Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

https:// adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

№ 44 (1510) 2024-YIL 1-NOYABR, JUMA

Дуглас УЭЙК,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ/ДИИҲБ)нинг юртимиздаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларини кузатиш бўйича миссияси раҳбари:



– 2017 йилдан буён Ўзбекистонда ислоҳотлар юксак даражада амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги сайлов ҳам ушбу жараённи яққол намоён этди. Миссиямиз вакиллари республиканинг 14 та ҳудудида бўлиб, сайлов участкаларида иш жараёни, овоз бериш жараёнларини бевосита кузатдилар. Сайлов участкаларида номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этилганлигига гувоҳ бўлдик. Сайлов жараёни халқаро стандартларга мос равишда, шаффоф ва очиқлик таъминланган муҳитда ўтди.



“АДОЛАТ” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон МАХМУДОВАнинг БРИФИНГДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум қадрли ватандошлар, ҳурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Сўзимнинг аввалида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, мамлакатимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар юқори руҳда, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Биз учун аҳамиятли томони, мазкур сиёсий жараён янгича мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида, Сайлов кодекси ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ташкил этилганидир.

"Адолат" социал-демократик партияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир мандатли округлар бўйича 75 нафар ва партиявий рўйхат асосида 100 нафар номзод кўрсатилди. Қайд этиш жоизки, номзодларимизнинг 45 фоизи аёллардан иборат бўлди ҳамда кўрсатилган барча 175 нафар номзодимиз олий маълумотга эга эди. Рақамларда ифодалайдиган бўлсак, уларнинг 25 фоизи педагоглар, 20 фоизи ҳуқуқшунослар, 18 фоизи тиббиёт ходимлари ва 37 фоизи иқтисодиёт, ижтимоий ҳамда бошқа соҳалар вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, партиямиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашларига ҳам 5 минг 695 нафар муносиб номзод кўрсатилди.

Партиямиз сайловолди ташвиқотига жиддий эътибор қаратди. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Тарғибот тадбирлари доирасида 2 миллионга яқин флаер, 1000 дан ошиқ катта ва 2000 дан ортиқ кичик баннер, 5000 зиёд плакатлар марказий кўчалар, метро, супермаркет, автобусларга ва аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди. Шунингдек, 500 дан ошиқ транспарант, 15 мингдан ортиқ байроқ, 10 мингдан зиёд футболка, 20 мингта кепка ва 300 мингга яқин бошқа тарғибот воситалари тайёрланди ҳамда тарғибот тадбирларида фойдаланилди.

Партия фаоллари ва волонтёрлар томонидан махсус безатилган 4 та автобусда овоз кучайтиргичлар ёрдамида ғояларимиз тарғиб қилинди. Шунингдек, пойтахтимиз ва ҳудудлардаги аҳоли гавжум кўчаларда жойлашган LED экранларда ҳам партиямиз ва номзодларимиз ҳақидаги тарғибот роликлари намойиш этиб борилди.

Сайловолди дастуримиз ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ тилларида ва кўзи ожизлар учун Брайль алифбосида тайёрланиб, 30 мингдан зиёд нусхада чоп этилди ва сайловчиларга тарқатилди.

Партиямиз фаоллари халқ ичига янада изчил кириб боришни мақсад қилиб, 3 миллиондан ортиқ хонадонга ташриф буюришди.

Бу йилги сайловларда янгича форматдаги дебатларнинг ташкил қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Партия етакчилари ва номзодлар иштирокидаги дебатлар орқали сайловчиларимиз дастурларимиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Дебатларнинг жонли эфирга узатилиши аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, "Адолат" СДПдан депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳар бир ҳудудда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Жараёнда сайловчиларнинг муаммоларини тинглаб, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиш, янги Сайловолди дастуримиз моҳиятини халқчил, содда тилда етказиш масалаларига устувор эътибор берилди.

Партиямиз сайловолди тарғибот тадбирлари доирасида электорат вакиллари билан учрашувларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган учрашувларда сайловчиларга соҳаларни ривожлантириш бўйича аниқ режаларимизни тақдим этдик.

Оммавий ахборот воситаларида партиямиз фаолияти кенг ёритилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида бепул эфир вақти ва марказий газеталарда тенг нашр майдонлари ажратилди. Барча ҳудудий телеканалларда кўрсатувларимиз намойиш этилди, ҳудудий босма нашрларда мақолаларимиз чоп этилди.

Партиямизнинг веб-сайти замонавий дизайнда янгиланди. Ижтимоий тармоқларимизда 9 мингга яқин тарғибот материаллари жойлаштирилди. Сунъий интеллект асосида тайёрланган тарғибот роликларимиз ҳам кенг аудиторияга етказилди.

Партиянинг “Adolat” ижтимоий-сиёсий газетаси ҳам замонавий шаклда ҳафтасига 13 минг нусхада чоп этилди ва ҳар бир сайлов участкасига етказиб берилди.

Азиз юртдошлар!

МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН БОШҚА СИЁСИЙ КУЧЛАР ҚАТОРИ, БИЗНИНГ “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯМИЗ ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ ИМТИҲОНДАН ЎТДИ. ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ БЎЛГАН ЖОРИЙ САЙЛОВДА САЙЛОВЧИЛАРИМИЗ ЎЗ ТАНЛОВЛАРИНИ БИЛДИРДИЛАР. БУНИНГ УЧУН БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРГА, ХАЛҚИМИЗГА ПАРТИЯМИЗ НОМИДАН КАТТА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРАМАН!

“АДОЛАТ“ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ҲАР БИР САЙЛОВ – ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИДИР. БЎЛИБ ЎТГАН АДОЛАТЛИ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҲАМ БИЗГА ЯНА ШУНДАЙ КАТТА ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ, ДЕБ ИШОНАМАН.

Эътиборингиз учун раҳмат!

2024 йил 27 октябрь куни мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар юқори даражада ташкил этилди. Давлатимиз тарихида биринчи маротаба аралаш сайлов тизими асосида ўтган парламент сайловлари халқаро кузатувчилар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.



МСК мажлисида сайлов натижалари расман тасдиқланди

Амалиётимизга аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида яққол намоён бўлди. Сайловни 65 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчилар, 850 дан ортиқ хорижий ва халқаро кузатувчилар кузатиб борди, 1 000 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари кенг ёритишда иштирок этди.

2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЯНГИ САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг ўзига хос жиҳатларидан бири – сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик туйғусининг янада ошганлиги билан боғлиқ.

2

МСК мажлисида сайлов натижалари расман тасдиқланди

Жорий йилнинг 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, 29 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси раиси сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 74,72 фоизи иштирок этгани ҳамда сайловда иштирок этган сиёсий партияларнинг ҳар бири сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг етти фоизидан кўп овоз тўплаганини қайд этди. Шу сабабли 2024 йил 27 октябрда ўтказилган ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови ўтган ва ҳақиқий деб топилди.

Мажлисда шунингдек, ҳудудий сайлов комиссияларининг сиёсий партияларга берилган овозларни аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижаларини аниқлаш ва депутатлик мандатларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатасига сайлов натижалари ва депутатлик ўринларини сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш Сайлов кодексининг 96/1-моддасига асосан амалга оширилди. Яъни, сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг етти ва ундан кўпроқ фоизини олган барча сиёсий партияларга берилган овозлар сони етмиш бешга бўлинган ҳолда сайлов коэффициенти аниқланиб, сиёсий партиялар тўплаган овозлар сони сайлов коэффициентига бўлинди.

Шундан келиб чиқиб, ягона сайлов округи бўйича Қонунчилик палатаси сайловида депутатлик ўринлари сиёсий партиялар ўртасида қуйидагича тақсимланди:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 26 та депутатлик ўрни,

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси – 14 та депутатлик ўрни,

Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 13 та депутатлик ўрни,

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси – 12 та депутатлик ўрни,

Ўзбекистон Экологик партияси – 10 та депутатлик ўрни.

Мажлисда юқоридаги тақсимотга асосан Марказий сайлов комиссиясининг баённомаси расмийлаштирилиб, қарор билан тасдиқланди.

Бундан ташқари, қарор билан депутатлик мандатлари тақсимланган сиёсий партиялар ва партия рўйхати бўйича сайланган депутатларга хабарномалар юбориш белгиланди.

Шундан сўнг, Марказий сайлов комиссияси уларни Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЯНГИ САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларда жами 15 млн. 27 минг 529 нафар сайловчи овоз берди. Бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизини ташкил этади.

Фуқароларимизнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайловлари жараёнига қизиқишининг сезиларли даражада ошгани барча босқичлари очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда яққол сезилди.

Шунингдек, парламент сайловларида аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида яққол намоён бўлди.

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 31 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Сайлов кодексига мувофиқ, парламент қуйи палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди ва бир мандатли сайлов округларидан сайланган 75 нафар ҳамда ягона сайлов округидан партия рўйхати асосида сайланган 75 нафар, жами 150 нафар депутатлар рўйхатга олинди.

Ягона сайлов округи бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови натижалари бўйича:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 26 та;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси – 14 та;

Ўзбекистон Экологик партияси – 10 та;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 13 та;

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси – 12 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Бир мандатли сайлов округлари бўйича Қонунчилик палатасига сайланган 75 нафар депутатлар таркибининг партиявий мансублиги қуйидагича:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 38 нафар;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси – 15 нафар;

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси – 9 нафар;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 7 нафар;

Ўзбекистон Экологик партияси – 6 нафар депутат этиб сайланди.

Депутатликка номзодларга ва партияларга берилган овозлар бўйича Қонунчилик палатасига сайланган жами 150 нафар депутатлар таркибининг партиявий мансублиги қуйидагича:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан – 64 та ўрин ёки 42,7 фоиз;

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан – 29 та ўрин ёки 19,3 фоиз;

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан – 21 та ўрин ёки 14 фоиз;

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – 20 та ўрин ёки 13,3 фоиз;

Ўзбекистон Экологик партиясидан – 16 та ёки 10,7 фоиз ўрин эгаллади.

Мажлисда қайд этилганидек, Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига кўра, парламент қуйи палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди.

Қонунчилик палатасига янгидан сайланган депутатларнинг сифат таркиби қуйидагича:

Сайланган депутатларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич бўлди.

Депутатларнинг 2 нафари – 30 ёшгача, 38,6 фоизи – 30 ёшдан 45 ёшгача, 46,6 фоизи – 45 ёшдан 60 ёшгача, 13,3 фоизи – 60 ёшдан катталарни ташкил этади.

Мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари сайланган депутатларнинг 12,7 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, улардан 5 нафари рус, 3 нафардан қозоқ ва тожик, 2 нафари корейс, 1 нафардан туркман ва қирғиз миллатига мансуб.

Депутатларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, уларнинг 15 фоизи хорижий давлатларда таҳсил олган.

Уларнинг 30 фоизи – иқтисодчилар, 22 фоизи – ҳуқуқшунослар, 18,7 фоизи – педагоглар, 12 фоизи – муҳандислар, 9,3 фоизи – тиббиёт соҳаси вакиллари, 8 фоизини эса – маданият соҳаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар ташкил этади.

Депутатларнинг 35 фоизи илмий даражага эга.

Илк бор 3 нафар ногиронлиги бор шахслар депутат этиб сайланди.

Ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан ҳам маҳаллий Кенгашлар сайловларининг якунлари чиқарилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар Кенгашларига сайлов натижаларига кўра, маҳаллий Кенгашлар таркиби 59,2 фоизга янгиланди.

Янги сайланган депутатларнинг 32,6 фоизи хотин-қизларни ташкил қилди.

Депутатларнинг 4 фоизи – 30 ёшгача, 39,5 фоизи – 30 ёшдан 45 ёшгача, 40,8 фоизи – 45 ёшдан 60 ёшгача, 15,7 фоизи – 60 ёшдан катталарни ташкил этади.

Мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари сайланган номзодларнинг 11,2 фоизини ташкил қилади. Шу жумладан, улардан 175 нафари тожик, 111 нафари қозоқ, 33 нафари туркман, 29 нафари рус, 21 нафари қирғиз ва бошқа миллатга мансуб.

Депутатларнинг 93,3 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг 36,2 фоизи – педагоглар, 18,2 фоизи – иқтисодчилар, 13 фоизи – муҳандислар, 7,6 фоизи – шифокорлар, 5 фоизи – ҳуқуқшунослар, 20 фоизини – маданият соҳаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар ташкил этади.


Номзодларнинг 4,4 фоизи илмий даражага эга.

138 нафар ногиронлиги бор шахслар маҳаллий Кенгашлар депутати этиб сайланди.

Шунингдек, мажлисда Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлашга оид масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот хизмати

Сиёсий ўқув



ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРДА сиёсий партиялар ўрни



“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга оид қонунчиликдаги янгиликлар, шу билан бирга, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини ўрганиш юзасидан сиёсий ўқув бўлиб ўтди.

Унда Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Махмудова, раис ўринбосарлари, партия Марказий аппарати бошқарма ва бўлим раҳбарлари ҳамда ходимлар иштирок этди.

Сиёсий ўқувни кириш сўзи билан очган Робахон Махмудова мамлакатимиз демократик жараёнларидаги ижобий ўзгаришлар ва уларнинг сиёсий партиялар фаолиятидаги ўрнига алоҳида тўхталди.

Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Рахмонов демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий мафкураларнинг ўрни, жумладан, социал-демократия, унинг тарихи ва бугунги кундаги аҳамияти хусусида кенг ва таҳлилий маълумот берган бўлса, Марказий аппарат ходими Анасхон Усмонов “Сиёсий партиялар тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг сиёсий партиялар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани, жамиятда демократия тамойилларини таъминлашдаги аҳамиятига эътибор қаратди.

Ўқув давомида маърузачилар ва иштирокчилар мазкур қонуннинг бир қатор моддаларини атрофлича таҳлил қилиб, ўзаро фикр алмашишди.

Иштирокчилар қонуннинг ҳар бир моддаси партиялар фаолиятида барқарорликни ва очиқликни таъминлашда муҳим роль ўйнашига урғу беришди.

Якунда партия ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада ошириш, қонунчиликка оид кўникмаларини амалиётда қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди.



Муҳаббат ШАРОПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати:

– Халқимиз ўзи муносиб деб билган номзодларга овоз берди. Биз бу жараённи орзиқиб кутган эдик. Мен ҳам сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг Сайловолди дастурларини диққат билан кузатиб бордим. Таъкидлаш жоизки, номзодларнинг Сайловолди дастурларида келтирилган таклифлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади. Номзодлар орасидан энг муносибига овоз бердим. Бу танловим юртимиз келажагига хизмат қилишига ишонаман.

“Адолат” шарҳи



РЕАБИЛИТАЦИЯ: ҳуқуқлар қандай тикланади?

Шахсни реабилитация этилган деб эътироф этиш билан унинг ҳуқуқларини тиклаш жараёни бошланади. Мазкур жараён ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳукм қилишнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

Дилфуза ТЎРАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Беруний туманлараро судининг судьяси

Жиноят ишлари юритувида аксарият ҳолларда шахсга мулкий зиён етказилади. Мулкий зиён шахсни қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида етказилиши мумкин. Бундан ташқари, зарар мол-мулкни хатлаш, олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, мол-мулкни давлат фойдасига ўтказиш, лавозимдан четлаштириш, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш каби жиноий жазоларнинг оқибати бўлиши мумкин. Демак, мулкий зиён процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, тергов ҳаракатларини ўтказиш ва жиноий жазоларни ижро қилиш натижасида келиб чиқиши ва мулкий зиён айбсиз шахсга етказилганлиги аниқланса, албатта, уни қоплаш масаласи ҳал қилиниши зарур. Зеро, Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги кафолатланган.

Реабилитацияда мулкий зиённи қоплаш реабилитация этилган шахснинг ҳуқуқларини жиноий таъқибга қадар бўлган ҳолатда тиклашга қаратилган.

Мулкий зиён – ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган ёки ҳукм қилинган шахснинг мулки нобуд бўлиши, йўқолиши билан бирга, шахс бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун сарфлаган ёки келгусида сарфлайдиган барча йўқотишларни ўз ичига олади.

Реабилитация қилинган шахсга етказилган мулкий зиённи қоплашнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у шахснинг реабилитация қилинишида мансабдор шахснинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, давлат бюджети ҳисобидан қопланади ва қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши зарур:

☑ *Зиён ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижаси бўлиши зарур. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси).*

☑ *Зиён фақат шахсга ёки унинг мулкига етказилган бўлиши зарур.*

☑ *Етказилган зиён ҳар қандай ноқонуний ҳаракат оқибати эмас, балки қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳаракат ёки қарорни ноқонуний содир этиш натижасида юзага келган бўлиши керак.*

Бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарар, масалан, шахснинг хатланган мол-мулкига етказилган зарар ёки тинтув қилиш вақтида етказилган зарар Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ундирилади.

Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат бундай шахсларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан регресс ҳуқуқига эга.

Демак, умумий қоида бўйича қонунчиликда ноқонуний жавобгарликка тортган ёки ноқонуний ҳукм чиқарган мансабдор шахсга нисбатан мулкий зиённи ундириш масаласида даъво қўзғатиш кўзда тутилмаган, улар ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланади. Бироқ бу фақатгина даъво тартибида ишни кўришга оид бўлиб, етарли асослар мавжуд бўлганида улар жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Реабилитация этилган шахсга мулкий зиённи қоплашнинг асосий шарти сабабий боғланиш бўлиб, мулкий зиён айнан ноқонуний жиноий таъқибнинг оқибати бўлиши шарт.

Реабилитация этилган шахсга мулкий зиённи қоплашда детерминант – айблов тарафи ёки суд томонидан амалга ошириладиган қонуний ёки асоссиз фаолият, келиб чиқадиган оқибат – реабилитация этилган шахсга етказилган мулкий зиёндир.

Демак, реабилитация этилган шахсга мулкий зиённи қоплаш шартлари:

☑ *ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ёки тиббий муассасага жойлаштириш;*

☑ *оқибат, яъни етказилган мулкий зиённинг мавжудлиги;*

☑ *сабаб ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, яъни мулкий зиён айнан ноқонуний ҳаракатлар натижасида келиб чиққанлигидан иборат.*

Умумий қоида бўйича қонунчиликда ноқонуний жавобгарликка тортган ёки ноқонуний ҳукм чиқарган мансабдор шахсга нисбатан мулкий зиённи ундириш масаласида даъво қўзғатиш кўзда тутилмаган, улар ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланади. Бироқ бу фақатгина даъво тартибида ишни кўришга оид бўлиб, етарли асослар мавжуд бўлганида улар жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 304-моддасида мулкий зиённинг қуйидаги турлари кўзда тутилган:

1) *реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;*

2) *пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса;*

3) *пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёки давлат фойдасига ўтказилган ашёлар, ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;*

4) *суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;*

5) *суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари;*

юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек, унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа харажатлар.

Реабилитация этилган шахс меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талаб билан тегишли корхона, ташкилот, муассасага мурожаат қилиши лозим. Корхона, ташкилот, муассаса томонидан шахснинг бу тоифадаги талаби қаноатлантирилмаган ҳолларда ёхуд шахс қабул қилинган қарор (буйруқ, фармойиш ва в.ҳ.)га рози бўлмаса, у тегишли тартибда (фуқаролик ёки маъмурий суд иш юритуви тартибида) судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ҳар бир мурожаат ортида — ИНСОН ТАҚДИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди.

Толибжон ОРЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги
Халқ қабулхонаси мудири



Жойларда Халқ қабулхонаси ходимлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонаси орқали 2024 йилнинг 1 октябрига қадар Чилонзор туманидаги жисмоний ва юридик шахслардан 9 431 та мурожаат келиб тушган, ушбу мурожаатларнинг 7 211 таси қаноатлантирилган бўлиб, шундан 3 620 таси ижобий ҳал этилган.

Мисол учун, *Чилонзор тумани “Нафосат” маҳалласи, 8-мавзе, 24-уйда истиқомат қилиб келган, 1964 йилда туғилган фуқаро Владимир Карпов жазони ижро этиш муассасасидан жорий йилнинг 4 январь куни чиққан бўлиб, яшаш учун уй-жойи мавжуд эмаслигини ва иш билан таъминланишини сўраб мурожаат қилган. Фуқаро туман Халқ қабулхонаси ташаббуси билан “Нафосат” маҳалласидаги 24-сонли ижтимоий уйга жойлаштирилди ҳамда “Yashil makon standart” бошқарув сервис компанияси томонидан иш билан таъминланди.*

Чилонзор тумани Катта Чилонзор-3 маҳалласи, 32-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Маҳмуд Жумаев иш билан таъминлашда амалий ёрдам берилганлиги, Чилонзор тумани Ботирма маҳалласи 17-мавзе, 35-уй, 70-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Азиза Шукурова бир неча йиллардан буён ҳал бўлмай келаётган ичимлик суви таъминотидаги муаммосини ижобий ҳал этишда амалий ёрдам берилганлиги учун туман Халқ қабулхонасига ўзларининг миннатдорлигини билдиришган.

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларни камайтиришнинг энг самарали йўли бу – жойларда ташкил этилаётган сайёр ва оммавий қабулларнинг ўтказилиши лозимлиги ҳозирги кунда тўлиқ ўз тасдиғини топмоқда.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини ҳис қилган ҳолда, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мурожаатларни имкон қадар жойларда ҳал этишга эътибор қаратиш, уларни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш, халқ дарди билан яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи даркор.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ОМБУДСМАНЛАРИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Тошкент давлат юридик университети ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон ва Озарбайжон Омбудсманлари иштирок этиб, ҳар икки давлат Омбудсманлари талабаларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўз тажрибалари, халқаро ҳамкорлик ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги замонавий ёндашувлар ҳақида маълумот берди.

Мазкур учрашув “Омбудсман клуби”га аъзо бўлиш истагида бўлган талабаларни Омбудсман фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Қайд этилганидек, уч йил давомида “Омбудсман клуби”га аъзо бўлиш истагида 180 дан ортиқ ариза келиб тушган. Суҳбат асосида талабалардан 60 нафари танлаб олиниб, улар университетда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаган. Йил якунида энг фаол ишлаган клуб аъзоларини фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш амалиёти жорий этилган. 2023-2024 йилларда клуб аъзоларидан тўрт нафари Омбудсманга ишга қабул қилинган.

“Омбудсман клуби” аъзолари дарсдан сўнг Омбудсман институти мутахассисларига бириктирилган ҳолда мурожаатлар билан ишлаш, қабулларда иштирок этиш, жазони ижро этиш муассасаларида ўтказиладиган мониторинг ташрифларини кузатиш каби йўналишларда ўз кўникмаларини ошириши мумкин.

Давра суҳбати савол-жавобларга бой тарзда, эркин мулоқот шаклида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ф.Эшматова ҳамда Озарбайжон Республикаси Омбудсмани С.Алиева талабалар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб берди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Давра суҳбати орқали иштирокчилар Омбудсманларнинг ваколатлари ва уларга келиб тушаётган мурожаатлар, инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши борасидаги халқаро ва миллий тажриба ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлди.

Тадбир якунида “Омбудсман клуби”да фаол иштирок этган икки нафар талабага Омбудсманга аъзолик картаси, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎзА





ЯШИЛ МАСКАНЛАРДАГИ ЯШИЛЛИК ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Иш, кундалик ҳаёт ташвишларидан бироз чалғиш учун шаҳар марказидаги хиёбонга кириб, йўл ёқасидаги ўриндиқлардан бирига чўкаман. Табиат қўйни, дарахтлар соя-салқинида ўтириб, қушлар чуғури ва анҳорда оқаётган сув шивирини тинглайман, гуллар ифоридан ўзгача завқ туяман. Шундай пайтларда инсон шу яшиллик, борлиқнинг бир бўлаги, усиз ҳеч нимага қодир бўлмаган ожиз бир мавжудот эканини англайди, киши. Тўғрисиям-да. Қани, айтинг-чи, табиатсиз башарият бир зум бўлса ҳам яшай олармикан?! Йўқ, асло!

Шундай фикрларни ўйлаб ўтириб, сув қувурига ахлат тиқилиб қолганидан анҳорнинг кўприк тагидаги қисмида сув кўпираётганига кўзим тушди... Боз устига боғнинг чекка жойларида одам емак-ичмагидан ортган унсурлар пала-партиш сочилиб ётарди. Э, воҳ! Биргина шу манзарага гувоҳ бўлиб, шу икки парадокс тушунча, "танганинг икки тарафи" мени яна қалам олишга ундади.

Демак, ушбу мақолада яшил ҳудудларнинг кундалик аҳамияти, уларнинг инсон саломатлигига таъсири ва жамоатчилик мулкига етказилаётган зарар ёхуд вандализм ҳолатларининг олдини олиш зарурати ҳақида сўз юритамиз.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
"Адолат" СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси
Нодир РУСТАМОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Вобкент туман бўлинмаси раҳбари

Долзарб мавзу

БИЗ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА БЕЛГИЛАНГАН ҲАР КИМ ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТГА, УНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШОНЧЛИ АХБОРОТГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛДА ТЎЛАҚОНЛИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗ ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, УШБУ МУАММОЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИГА ҚАРАТАМИЗ.

БАРЧА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ФАҚАТ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ЮКЛАШ ТЎҒРИ БЎЛМАЙДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан

ҲАР КУНИ ТАБИАТ БИЛАН БЎЛИНГ: КАМИДА 30 ДАҚИҚА!

Таҳлилларга кўра, табиатдан баҳра олиш, истироҳат ва маданий-кўнгилочар масканларда ҳордиқ чиқариш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Қолаверса, истироҳат боғлари мегаполисларнинг яшил ўпкаси сифатида кишига эстетик завқ беришгина қолмасдан, саломатликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Масалан, тиббиётда "табиий терапия" атамаси мавжуд ва у табиат ресурсларидан фойдаланган ҳолда инсон саломатлигини яхшилаш ва касалликларни даволашга қаратилган усул ҳисобланади. Унда фитотерапия, диетотерапия, аэрация, гидротерапия ва бошқа табиий методлар мавжуд. Бу усулларда кишиларда кузатиладиган стресс ва ташвиш ҳисси, астма, депрессия, ревматоид артрит, мигрень каби психосоматик касалликларни даволаш мумкин.

Қолаверса, Америка психологлар ассоциацияси олимлари табиатда ҳар куни 30 дақиқа сайр қилиш стрессни 20 фоизга камайтириб, психоэмоционал ҳолатни яхшилашга ёрдам беришини аниқлашган. Шунингдек, "Springer Link" ижтимоий нашри табиатда бўлиш мигрен симптомларини 50 фоизга камайтириши хусусидаги тадқиқот натижаларини расман тасдиқлаган. Бундан кўринадики, камида 30 дақиқа табиат қўйнида амалга оширилган фаол жисмоний ҳаракат бир кунлик енгил тиним, руҳий барқарорликни таъминлайди.

ТОБОРА ФАОЛЛАШАЁТГАН ЯШИЛ ВАНДАЛИЗМ

Умуман олганда, аҳоли гавжум шаҳарлардаги яшил масканлар гуманистик ҳаёт руҳини белгилайди. Чунки уларда одамлар нафақат дам олишади, балки жисмоний фаоллигини ошириб, стрессни камайтиради ва шу орқали табиат билан алоқа ўрнатади. Айниқса, дарахтзорлар, озода ва гулларга кўмилган масканларда сайр қилиш кишининг кўнглига таскин бағишлайди. Шунинг учун одамлар йилига камида бир маротаба бўлса-да, хиёбонларга, тоғ ёнбағрига оилавий ёки меҳнат жамоаси билан сайр қилишга ҳаракат қилади. Боиси, инсон табиат билан бир бутундир.

Бугун ижтимоий ҳаётимизга яна бир оғриқли, долзарб атама кириб келди: **яшил вандализм. Бу атама яшил ҳудудларда табиатга қилинган бузғунчилик сифатида талқин этилади.** Статистикага кўра, дунё миқёсида 2021 йилда 10 миллион гектар ўрмон йўқ қилинган. Ушбу рақамлар глобал иқтисодий ривожланишга катта зарар етказмоқда.

Шунингдек, 2020 йилда глобал миқёсда дарахтларнинг 18 фоизи ёқиб юборилган, бу эса биоэкосистема бузилишига олиб келган. Ушбу ҳолат натижасида 1 миллионга яқин тур йўқолиш хавфи остида. Бундан ташқари, АҚШда ҳар йили 1,2 миллиард тонна пластик чиқиндилар табиатга ташланма сифатида чиқарилади. Европада ҳар йили 7 миллиондан ортиқ одам экология сабабли хасталиклардан вафот этмоқда. Булар яшил вандализмнинг салбий таъсирлари билан боғлиқ аниқ маълумотлардир.

Таассуфки, ҳозирги кунда юртимизда ҳам ўз шахсий манфаати ёки кўнгилхушлик сабаб баъзи кимсалар томонидан табиат қўйнидаги жамоатчилик мулкига зарар етказиш тобора жиддий тус оляпти. Жумладан, истироҳат боғларига ахлат ташлаш, дарахтларни кесиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар кўпайяпти. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ҳар йили дунё миқёсида истироҳат боғларига юзага келадиган вандализм ҳолатлари 15-20 фоизга ошмоқда. Бу ҳолатлар нафақат экологик хавфни кучайтиради, балки аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, тупроқ ва ҳавонинг ифлосланиши нафас олиш тизимини заифлаштиради, аллергия ва респиратор касалликларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Очиғи, айрим ҳолларда бу сўлим масканлардаги мулкка нисбатан ғайриинсоний муносабатда бўлинган ҳолатларни кўриб, кишининг кўнгли ранжийди. Ахир бу мулк бизнинг, шу ерда яшаётган оилаларнинг мароқли дам олиши, ҳордиқ чиқариши, табиат бағрида сайр қилиши учун бунёд этилган-ку! Аҳоли саломатлигини тиклаши, ҳордиқ чиқариши учун юзлаб ободонлаштириш ходимлари меҳнат қилишса, фавворалар ва тунги ёритқичлар учун маблағ сарфланса, ички ишлар ходимлари туну кун назорат қилса-ю, айримлар кучини давлат мулкига зарар етказишга сарфласа... Шу инсофданми?!

ДУНЁ ТАЖРИБАСИДА: СИНАЛГАН 5 УСУЛ

Яшил вандализмга қарши курашда қуйидаги 5 давлатда ижтимоий, экологик лойиҳалар юқори самарадорликка эга экани, бу борада фаол иш олиб борилаётгани эътироф этилади.

1. ШВЕЦИЯ

Швецияда ""The Swedish Environmental Protection Agency" эко-лабораториялари шаҳарларда яшил майдонларни муҳофаза қилиш учун тадқиқотлар олиб боради. Ушбу лойиҳа фаол жамоатчилик иштирокини рағбатлантиради. Аҳолининг экологик билимларини оширади, бу эса вандализмни камайтиришга ёрдам беради. Ҳуқуқий нормаларнинг кучайтирилиши устувор аҳамиятга эга. Швециядаги жамоатчилик фаоллиги, яшил майдонларнинг сақланишини таъминлайди.

2. ГЕРМАНИЯ

Германияда "Federal Agency for Nature Conservation" концепцияси жамоатчиликни боғларни муҳофаза қилишга жалб қилади. Бўш майдонлар учун тегишли ҳуқуқий механизмлар мавжуд. Аҳоли ўзини жавобгар ҳис қилиши учун жамоатчилик лойиҳалари ташкил этилган. Тадбирларда иштирок этаётган инсонлар экологик билимларни кенгайтириш имконига эга. Бу усул ҳам яшил вандализмни камайтиришда самарали натижаларга эришишга ёрдам беради.

3. КАНАДА

Канадада "Canadian Wildlife Federation" лойиҳаси орқали жамоатчилик фаолияти рағбатлантирилади. Бундай тадбирлар одамларнинг экологик билимларини оширишга мўлжалланган. Яшил майдонларни муҳофаза қилиш учун самарали мониторинг тизимлари жорий этилган. Жамоатчилик билан ҳамкорлик, вандализмга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Канадаликлар ушбу дастур орқали жамоа руҳини мустаҳкамлайди.

4. АҚШ

АҚШда «National Park Service" – Гринч лойиҳаси ташаббуси жамоатчилик иштирокини рағбатлантиришга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа доирасида одамларга экологик билим беришга эътибор қаратилган. Маҳаллий жамоалар томонидан ўтказиладиган тадбирлар, яшил майдонларни муҳофаза қилишга ёрдам беради. Бошқа жамоатчилик лойиҳалари билан биргаликда самарали натижаларга эришилади.

5. АВСТРАЛИЯ

Австралияда "Australian Government Department of Environment" дастури жамоатчилик иштирокини рағбатлантиради. Тадбирларда одамларга яшил майдонларни муҳофаза қилиш бўйича билим берилади. Мониторинг тизимлари, вандализмнинг олдини олишда самарали роль ўйнайди. Аҳоли ўзини жавобгар ҳис қилиб, фаол иштирок этади. Ушбу дастур экологик ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАНДАЙ ФИКРДА?

– Ўзим дарс қилиш ёки китоб ўқиш учун тез-тез хиёбонларга бориб тураман, **– дейди талаба Машҳура Бурхонова.** – Шундай кезларда мактаб ўқувчилари, ёшлар, ҳаттоки катталар томонидан ҳам яшил масканларга нисбатан ғайриинсоний муносабатни кўриб, таъбим хира бўлади. Ваҳоланки, инсон ўзи яшаётган уй, кўча, маҳалла ободлиги, озодалиги, сўлим табиати-ю мусаффо ҳавосини асраш масъулиятини зиммасига олиши керак. Шундагина сўлим гўшалар, истироҳат боғлари, сайлгоҳлар ободлигини таъминлаш орқали экологияни асрашга ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

– Шаҳарларимизда яшил ҳудудларнинг аҳамиятини ошириш ва уларга етказилаётган зарарларни камайтириш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрилиши керак, **– дейди эко-фаол Санжарбек Абдулхаев.** *– Бунга истироҳат боғларида мунтазам равишда мониторинг ўтказиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш киради. Шунингдек, бу борадаги қонунбузарларни жиддий жазолаш лозим.*

Хўш бу борада қонунчиликда қандай нормалар бор?

Мамлакатимизда 2018 йилнинг 3 январида *«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*ги қонун қабул қилинган. Қонунга асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун алоҳида модда киритилган. Унга кўра, безорилик натижасида содир этилган зарар майда деб топилса, энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача жарима жазоси қўлланилади. Шунингдек, етказилган зарар миқдори катта бўлса, энг кам иш ҳақининг 30 дан 100 бараваригача жарима қўлланилиши ёки 15 сутка муддатга қамоққа олишга ҳам сабаб бўлади.

БАЛКИ ҚАРАШЛАРИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАРМИЗ?

Эътибор бердингизми, бизда сўнгги пайтларда экологияни барқарорлаштириш, табиатни асраб-авайлаш борасида амалий ишлардан кўра "дежурний" гаплар кўп айтиладиган бўлиб қолди. Ҳайвонот ва набатот оламига бўлган муносабатимизнику, бир четга суриб турайлик.

Шаҳардаги мактабларнинг бирида ўқийдиган 5-6 синф болалари хиёбон йўлагида писта чаққанча, ахлатини дуч келган жойга улоқтириб кетмоқда. Бошқа бир ҳолатда йигит ва қиз хилватроқ жойда тамадди қилиш билан атрофни ахлатхонага айлантирган. Шуми маданиятимиз?! Албатта, ҳамма шундай демоқчи эмасмиз. Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмайди-да. Балки қарашларимизни ўзгартирармиз?

Яна бир жиҳат. Бош прокуратура томонидан жорий йилда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар аҳволи ўрганилганда, 541 та ҳолатда амалда экилмаган 1 миллиондан зиёд кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилгани, 580 мингтаси суғориш тизими мавжуд бўлмаган жойларга экилганлиги ва 19 мингдан ортиқ кўчат ўз вақтида экилмаганлиги сабабли нобуд қилинганлиги аниқланиб, кескин чоралар кўрилган. Мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилишнинг ўзи қийин кечаётган пайтда "борини ҳам йўқ қилиш" қайси мантиққа мос келади?

Яшил масканларнинг ўзида белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилмас эканмиз, экологияни яхшилашда сезиларли ютуқларга эришишимиз ортга сурилгандан сурилаверади. Шундай шароитда "она табиатни асраймиз" деб мақтанчоқлик қилавермайлик. Зеро, ўзини маданиятли деб билган, онгли ҳар қайси одам ҳеч қачон ўз онаси – табиатни хўрламаган бўларди.

Хўш, шундай экан, сиз, айнан сиз ўзингиз, охирги марта қачон табиатга фойда келтирдингиз, қадрли газетхон?

Ажиниёз таваллудининг 200 йиллиги

Президентимизнинг “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан шу йил 25-26 октябрь кунлари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида “Ажиниёз – қорақалпоқ халқининг фахри” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ФАХРИ



Мўйноққа кетаверишда, катта йўл бўйида тўқайзор орасидаги қабристонга Ажиниёз дафн этилган. Ушбу муборак зиёратгоҳда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Нуфузли анжуман иштирокчилари шоир мақбараси қошида тиловат қилиб, фотиҳа ўқишди. Қадим замонларда ушбу манзилларга келиб яшаган ва ҳоки шу тупроқда абадий қолган Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) мақбараси, тарихий обидалар зиёрати, “Орол” музейи, денгиз ултонидаги кемалар саёҳати, шунингдек, Мўйноқдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бердақ номидаги Қорақалоқ давлат университетида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирни Қорақалпоқ давлат университети ректори Аҳмед Реймов очиб берди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгеси қўмитаси раиси Тожибой Романов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни табриклади ва анжуман ишига муваффақият тилади.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, филология фанлари докторлари, профессорлар Қувонишбой Ўразимбетов, Баҳодир Каримов, Туркия Памукале университети профессори Жайҳун Ведат Уйгур, Туркия Онадўли университети профессори Зулфикар Байрактар, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Озарбайжон Миллий Билимлар академияси профессори Назакат Маммедали, Озарбайжон Ҳамин институти Турк тиллари бўлими профессори Исмайл Казимов, Қирғизистон Фанлар академияси профессори Меерим Кўлбаева, Қирғиз мамлакатлик университети профессорлари Назгул Турдибаева, Жаннат Усупбаева, Қозоғистон Ҳуқуқ ва давлат бошқаруви мактаби профессори Гулмира Султанбаева Ажиниёз асарларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг улуғланиши, шоир ижодининг туркий дунё халқлари тил ва адабиёт илмий-адабий оламида ўрганилиши, чет ва қардош тилларга таржималари масалалари бўйича нутқ сўзладилар.



Тадбирда қорақалпоғистонлик санъаткорлар ва ёш ижрочилар томонидан тайёрланган “Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан” мавзусидаги мусиқий-бадиий концерт дастури намойиш этилди.

АЖИНИЁЗ

БЎЛУР

Қоратоғнинг баланд боши
Қорли бўлур, қорсиз бўлур.
Бир эр йигит ёт элларда
Молли бўлур, молсиз бўлур.

Баҳор ўтиб, келса ёзлар,
Солланишар сарвинозлар,
“Қув-қув”лаган оққуш-гозлар
Кўлли бўлур, кўлсиз бўлур.

Хоразмда қолди жойлар,
Чекар бўлдим оҳу войлар,
Тоғ бошидан оққан сойлар
Селли бўлур, селсиз бўлур.

Карвонлар кечар чўлларда,
Суқсурлар учар кўлларда,
Бир эр йигит ёт элларда
Тилли бўлур, тилсиз бўлур.

Ёт элларда эр йигитлар
Юрагига солур дардлар,
Бўйни гажак тулпор отлар
Ёлли бўлур, ёлсиз бўлур.

Кимга айтай арзи ҳолим,
Кўнгилда кўп қийлу қолим,
Ўтган умр – заҳру болим
Тотли бўлур, тотсиз бўлур.

Ғариб Зевар ҳар кун йиглар,
Юрагимда кўпдир доглар,
Ранг-баранг очилган боглар
Гулли бўлур, гулсиз бўлур.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

Диққат, янги рукн: ЯНГИ ЗАМОН ОДАМЛАРИ

Эъзозхон Исматова:

Копирайтинг — нафақат сўз санъати, балки маълум бир соҳанинг муваффақиятини таъминловчи йўл. Бугунги кунда маркетинг дунёси учун ажралмас бўлган ушбу соҳа истеъдодли ёзувчилар учун катта имкониятлар тақдим этиши билан юртдошларимиз, айниқса, ёшлар орасида тез фурсатда тилга тушди ва оммалашди. Қайд этилишича, копирайтингга бўлган қизиқишнинг ортиши, бу соҳанинг афзалликлари билан боғлиқ: ижодкорлик, мустақиллик ва ўз фикрларини эркин ифода этиш имконияти.
Соҳа экспертлари малакали копирайтерлар бир ойда ўртача 5-15 миллион сўмгача пул топишлари мумкинлигини таъкидлашади.
Эъзозхон Исматова 600 нафардан ортиқ шогирдни соҳада даромад олишга йўналтирган тажрибали устоз сифатида танилган. Шогирдларининг барчаси копирайтинг орқали ўз истеъдодларини ривожлантириб, даромад олиш имкониятига эга бўлди. Унинг “Kopirayter kundaligi” канали эса катта миқдорда пул топаётган тиришқоқ шогирдларнинг ютуқларига тўлиб кетган.
Эъзозхон Исматова биз билан суҳбатда копирайтинг назарияси, амалиёти, соҳанинг ўзига хос жиҳатлари, замонавий медиа бизнес оламида копирайтерларга бўлган эҳтиёж бўйича ўз фикрларини ўртоқлашди ҳамда шогирдларининг соҳадаги муваффақиятлари ва имкониятлари хусусида сўз юритди.



“ҲАР БИР ИСТЕЪДОД ЎЗИНИ НАМОЁН ҚИЛИШИ КЕРАК!”

– Сизни ижодкор, ўқитувчи, копирайтер дея таништираман. Сизга берилган таърифлар етарлими ёки қайсинисидир эсдан чиқардимми?

– Ҳаммаси тўғри. Яна аудиомейкер, сценарист, филолог ҳамман. Лекин эришган мақомларим ичида энг муҳимлари бу рафиқалик ва оналик. Ҳозир нафақат педагог, нафақат ижодкор ёки копирайтер, балки 3 нафар фарзандниг онасиман. Жамият учун керакли шахслар тарбияси билан машғулман.

Фарзандли бўлгач эса копирайтинг оламига кириб келдим. Сўз орқали санъат асари яратишнинг бошқа усулларини ўргандим. Кишиларни сотувга ундайдиган матнлар ёзишга киришдим. Натижада, мана, 5 йилдан бери шу оламдаман. Ортимдан 600 дан зиёд шогирд олиб кириб, кичик бир жамият яратдим. Аммо касбим – ўқитувчилик. “Декрет”дан сўнг олийгоҳда ишлашни кўзлаб турибман. Катта-катта аудиторияларда дарс бериш учун билим ва куч йиғмоқдаман.

– Суҳбатни болалик даврингиздан бошласак. Айтишларича, ишбилармон, уддабурон лигингиз болалигингизданоқ тилга тушган экан. Хўш, ўша пайтдаги тиришқоқ ва қизиқувчанлигингиз сизга нималарни ўргатди?

– Оҳ-ҳо, сиз сўраманг, мен айтмай. Ўзимни омадлиман, деб ҳисоблайман.

Ўқувчилик йилларимданоқ дадамнинг компьютер ва принтерларидан фойдаланиб, пул ишлашни бошладим. Рефератлар, ижодий ишлар... Чунки мактаб дастурини жуда тез ўзлаштирардим, сўнг зерикиб ўтирардим. Ёшлигимдан бошлаб ўз жамғармам бўлган. Бироқ бунга мени ҳеч ким мажбур қилмаган. Аксинча, ота-онам қўллаб-қувватлаган, хоҳишларим “қанотини қайиришмаган”. Чунки ўқишим аъло даражада эди-да.

Лицейда аниқ фанлар йўналишида ўқишни бошладим. “Банкда ишлайман!” деб ният қилардим... Аммо 1-курсдалигимда кучли руҳий травма олдиму, математикадан қийнала бошладим. Миям тўхтаб қолгандай, ҳеч нимани ўйлагим келмасди. Кейин Навоий давлат педагогика институтининг инглиз тили ва адабиёти йўналишига грант асосида қабул қилиндим. ОТМ менга шахсий ривожланиш учун катта эшиклар очди. Танловлар, саммитлар, анжуманлар, симпозиумлар... Ва шу қаторда яна ўша қадрдон машғулотларим ҳам қолиб кетмади.

Институтда ўқирканман, ҳамма ишим режали, тартибли эди — репетиторлик қилардим, таржима билан шуғулланардим, буюртмага овоз ёзардим, компьютердан ҳужжатлар, ҳар хил креатив тақвимлар чиқариб, “тикиб” сотардим, Телеграмда гуруҳ очиб, иш юритиб, буюртма олиб, савдо қилардим. 2016-2017 йилларда биринчи марта қўлимга маош сифатида доллар олганман. Сўнг институтда ўқиш даврида ижодга ишқим кетди. Драбл ёзишни машқ қилдим. Ёзганларим алманахлардан ўрин олди, газеталарда чиқди, танловларда қатнашишимга сабаб бўлди. Ундан кейин тадбиркорликка қизиқа бошладим. Катта тадбиркор бўлдим, дея олмайман. Аммо лицей даврида ёқ принтердан китоб чиқариб сотиб, репетиторимга керак пулни бемалол топардим. Талабаликда ҳам Тошкентдан улгуржи нархда маҳсулот олиб, шаҳрим бўйлаб буюртма қилганларга тарқатар эдим.

Сўнгроқ сўзга муҳаббатим ҳаммасидан устун келди. Насрда ижод қилишга берилиб кетдим. Институтда ўқиш даврида инглиз тили билан боғлиқ республика бўйлаб кўплаб саммиту анжуманларда, кўрик-танловларда қатнашдим. Буларнинг бари ўзимга нисбатан ишончимни оширди. Иккиланиш, қўрқув каби ҳисларни енгиб ўтишга ўргатди. Қўлимдан неки келса, синаб кўриш иштиёқини уйғотди. Ўшандаёқ “Ҳар қандай қобилият даромад келтириши керак” деган гапни шиор қилиб олган эдим. Шунинг учун ҳам нафақат копирайтинг ёки педагогика, балки аудиомейкер, сухандонлик, сценаристликда ҳам ўзимни синадим. Тажриба орттирдим. Буларнинг барчаси шаклланишимга катта туртки берган.

– Копирайтингни танлашингизга асосан "бола парвариши" таътилини сабаб қиласиз. Ва бу орқали кўплаб хотин-қизлар ҳаётини тамомила ўзгартириб юбориш мумкинлигини амалда исботлаб келяпсиз. Нима учун?

– Фарзандли бўлгунимча ижтимоий фаол эдим, бир пайтнинг ўзида бир неча хил иш билан шуғулланардим. Ҳам талаба, ҳам мактабда ўқитувчи эдим. Оналик таътилида ҳаётдан узилиб қолгандай бўлдим. Табиий, руҳий жараёнлар менга босимдай таъсир қилди. Чунки бу ҳақида етарли билимим бўлмаган. Бу вақтинчалик ҳолат эканини ёш, ғўр ақлим қабул қилолмаган. Шундай қилиб, аввал овоз бериш билан боғлиқ ишимга қайтдим. Сўнгроқ копирайтинг оламига кирдим. Бир йилдан сўнг уни ўргатишни бошладим.

Мақсадим – ўзим каби қийналган аёлларга, даромад келадиган манбасини кўпайтиришни истаган йигит-қизларга ёрдам бериш эди. Ҳозир ўқув курсларимдан ташқари якка тартибда консультация ҳам ташкил қилганман. Унда ўзимда бор тажрибалар асосида талабгорга муаммосини таҳлил қилиб, ечим бўла оладиган тайёр траектория чизиб беришга ҳаракат қиламан. Бу имкониятлардан фойдаланиш керак, холос.

Менинг бир шиорим бор: нимани дир мақсад қилсам, шу мақсадга мендан олдин эришган одамни топаман. Унинг тажрибасини ўрганаман. Хато ва ютуқларини таҳлил қиламан. Шунга биноан ўз йўлимни чизаман. Натижада шогирдларимиз, консультациямга келганларга ҳам малакам асосида тажрибаларимни ўртоқлашаман.

– Келинг, шу ўринда копирайтингда даромад топишни кўриб чиқсак. Буни бошқаларга қўшимча касб сифатида ўрганишни тавсия қиласизми?

– Копирайтинг – бу реклама ва маркетингда ёзувлар яратиш жараёни. У маҳсулот ёки хизматни қизиқарли ва жалб қилувчи тарзда тақдим этишга ёрдам беради. Мақсад – ўқувчиларни қизиқтириш ва сотишни ошириш. Эффектив копирайтерлар мижозларнинг эҳтиёжларини тушуниб, уларга мос ёзувлар ёзадилар. Натижада, яхши копирайтинг маҳсулотга талабни ошириши мумкин. У яхлит бир бутун профессионал касб. Шунчаки интернетдан даромад қилиш усули эмас. Шундай экан, унга жиддий муносабатда бўлишларини тавсия қиламан. Шунингдек, бу касб ҳамма учун эмас. Ҳаммага бирдай тўғри келадиган умумий соҳа эмас. Уни ўрганаётганларга эса пухта билим олишни, изланишни, амалиёт қилишни ва имкон қадар асосий ишга айлантиришни тавсия қиламан.

Аммо қўшимча касб, деб қарайдиганларни ҳам қораламайман. *“Ҳеч қурса қўшимча сифатида эплаяптилар-ку! Офарин! Кучайтирсинлар!”* дейман. Дарвоқе, шу ўринда яна бир нарса эсимга келди. Суҳбатларда шундай савол беришади: *“Копирайтингга пул учун кирганларга қандай қарайсиз?”*. Албатта, тўғри қарайман! *“Ажойиб!”* дейман ҳатто. Чунки мақсад бор. Демак, киши нимага қараб ҳаракат қилишни, қаерга қараб интилишни билади. Пул учун ишлаш эса, сизга айтсам, ёмон иш эмас. Шундай экан, қобилиятинг орқали даромад келадиган яна бир канални очиб қўйиш — чинданам ажойиб.

– Шогирдларингиз сизни меҳрибон, қаттиққўл, ҳар нарсага эътиборли, дея таърифлашди. Нима деб ўйлайсиз, маҳоратли ўқитувчи бўлиш қанчалар машаққатли?

– Биласизми, бир нарсани нафақат ўқувчилар, балки экспертлар ҳам тушунишларини жуда хоҳлардим: яхши мутахассис дегани яхши ўқитувчи дегани эмас. Педагоглик алоҳида масала. Албатта, ҳамма зўр мутахассислар ўз соҳаларидан ёшларга етарлича дарс бера олади, дегани эмас. Буни айнан ўқитувчилар сулоласидан бўлганим учун ҳам яхши биламан. Боболарим, бувим, аммаларим, тоғаларим, холаларим, янгаларим ҳам ўқитувчи. Дадам, онам ҳам шу касб эгаси бўлганларидан хонадонимизда ўзгача муҳит ҳукм сурарди.

Ўқитувчи нафақат соҳани яхши билиши, балки уни ўрганувчига енгил, осон ва тушунарли шаклда етказиб бера олиши керак. Маълумотни шунчаки айтиб беришни тўти ҳам эплайди. Масала шуни керакли усуллар, танланган сўзлар билан етказишда! Шунинг учун иккиланмай айтаман: маҳоратли ўқитувчи бўлишнинг ўзи бир маҳорат. Бу кишидан билимдан ташқари иштиёқ, қобилият, ташаббускорликни талаб қилади.

– Яхши копирайтернинг 3 хислатини айтинг дейишса, қайси жиҳатларини тилга оласиз?

– Биринчиси – янгиликка, ўрганишга ташналик. Иккинчиси – маслашувчанлик. Учинчиси эса “проблем мейкер” (“муаммо туғдирувчи”) эмас, “проблем солвер”(“муаммо ечувчи”) бўла олиш. Агар мана шу 3 сифат бир ерда кесишса, бошқа соҳаларда ҳам муваффақият қозониш мумкин, деб ҳисоблайман. Копирайтинг – замонавий касб. Ҳар куни янги билимлар, трендлар, тенденциялар яратилади. Илгари сурилади. Янги тажрибалар, янги ғояларга дунё бўйлаб кезади. Уларни илғаш ва ўрганиш керак. Сўнг амалга татбиқ қилиш лозим. Бундан ташқари, копирайтер ҳар хил жамоада ва ҳар хил лойиҳа устида ишлашга тўғри келади: металлаломми, сув брендими, борингки, гулқоғозми – фарқи йўқ. Ана шу лойиҳалар, уларнинг мақсадли аудиториясига мослаша олиш лозим. Шунда етказиш лозим бўлган мессежни яққол пайқайди ва ёндашади. Ҳозирги кунда бундай мутахассислар учун бозорда жуда кўп бўш иш ўринлари бор.

Бундан ташқари, копирайтер мутахассис саволларга қўмилиши ёки қўмиши эмас, атрофдан унинг жавобини излашга интилиши, маълумотни фақатгина кутиши эмас, излаши, таҳлил қилиши ва аудиторияга мос тақдим қилиши керак. Бир гап билан айтганда, вазифага сидқидилдан муносабатда бўлиш лозим.

– Маркетингнинг ушбу ноодатий туридан яхшигина даромад топиш – шунчаки хомхаёл, дегувчиларга нима деган бўлардингиз?

– Иложи йўқ, дейишяптими? Ҳа, айнан улар учун бунинг иложи йўқ. Ҳар ким ўз хулосасига муносиб. Кишилар қайсидир хулосага келиш учун қандайдир босқичлардан ўтадилар. Бу табиий жараёнга аралашишни хоҳламайман. Марҳамат, шундай ҳисоблашсин. Улар шу фикрда эканликларида бу ёқда қанча мутахассиснинг уйига шу соҳадан нон киради.

– Табиийки, "Олма пиш — оғзимга туш" деб ўтириш муваффақиятни кафолатламайди. Шогирдларингизни ишга йўналтиришга, ўзини-ўзи эплаб кетишига кўмаклашасизми? Нима учун буюртмачи сизнинг шогирдингизни танлаши керак?

– Шогирдларимга иш топиб бермайман. Аммо иш топиш йўлларини ўргатаман. Қандай мулоқот қилишни ҳам. Ҳатто тушунмаган, билмаган буюртма келиб қолса, нима қилиш ҳақида ҳам дарслар ташкил қилганман.

Менинг шогирдларим, асосан, ўзимга ўхшаб тез ишлайдилар. Вазиятга, жамоага, лойиҳага, буюртмага тез мослашадилар. Мужмал ҳамкорлик қилмайдилар. Аниқ-конкрет муносабат ўрнатадилар. Сифатли хизмат кўрсатадилар.

– Суҳбатингиз учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУҚАЮМ ўғли
суҳбатлашди

Чилонзор тумани ҳокимлиги диққатига!

Қаерда озодалик, тозалик, мусаффолик бўлса, ўша ерда гўзаллик юзага келади. Гўзалликдан эса кўнгиллар яйрайди, қалблар қувончга тўлади. Ундан баҳра олган ҳар қандай одам "Қанийди юртимизда шундай гўзал гўшалар, масканлар кўп бўлса", деб орзу қилади.

Юртимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда, хусусан, мамлакатимиз пойтахтида кейинги йилларда барпо этилган гўзал масканлар кўп. Лекин кўнгилни хира қиладиган, гўзалликка доғ бўлиб тушадиган жойлар ҳам йўқ эмас. Келинг, муддаога ўтайлик.

ЙЎЛАКДАГИ ЧИҚИНДИХОНА



ёҳуд уятсизликдан уялайлик

Пойтахтимизнинг қоқ марказида, метрополитеннинг Чилонзор йўналишидаги "Новза" бекатидан чиқиб, Анҳор томонга сал юрсангиз, йўлакнинг шундоқ ёнида катта ахлатхонага, чиқиндилар ташланадиган жойга дуч келасиз. Бу жой Чилонзор туманидаги маҳаллалардан бири учун, аниқроғи, "Новза" бекати яқинидаги иккита кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг чиқинди ташлашлари учун мослаб қурилган. Мослаб қурилган дейишимизнинг сабаби бор. Маълумки, кейинги йилларда маҳаллаларда, мавзелар ва даҳаларда чиқинди ташланадиган жойлар девор билан ўраб олиниб, ахлатлар учун турли хил махсус қутилар қўйилмоқда. Бу чиқиндиларнинг сочилиб, атрофни ифлослантирмаслиги, ҳар хил қўланса ҳидлар чиқариб, тоза ҳавога зарар етказмаслиги учун қўл келмоқда. **Афсуски, "Новза" бекати яқинидаги чиқиндихона бундай қулайликларга эга эмас. У чиқиндилар тўпланадиган жой сифатида мослаштирилган, холос. Яъни, катта йўл ва йўлак ўртасида омонат жой ҳозирланиб, унинг ичига чиқинди ташланадиган темир қути қўйилган. Чиқиндилар кўпайганда улар темир қутига сиғмай, йўлакнинг ҳам бир қисмини эгаллайди. Шунинг учун бу ерга ташланган чиқиндилар аксарият ҳолларда йўл ва йўлакларга сочилиб ётади. Бу ердан ҳар куни ўтадиган минглаб одамлар ана шу чиқиндиларнинг қўланса ҳидидан, ахлатлар туфайли юзага келадиган ифлосликлардан "баҳраманд" бўладилар.**

Бу ҳолатдан фақат йўловчиларгина эмас, ёш болалар ҳам "баҳра олишади". Негаки, юқорида эслатганимиз иккита кўп қаватли уйларда яшовчи болажонлар учун ўйин майдони ҳам айнан ана шу чиқиндихонанинг биқинида жойлашган.

Бундан ташқари, **ушбу чиқиндихонанинг ўзига хос "мижозлари" ҳам бор. Бу "мижозлар" қишин-ёзин ҳар куни эрталабдан кечгача чиқиндихона яқинида, метронинг чиқиш йўлаги атрофида жойлашиб олиб, чиқиндилар орасидан пластмасса ва эски буюмларни, яъни иккиламчи бозор маҳсулотларини йиғадилар. Табиийки, чиқиндилар "мижозлар" томонидан титкиланиши оқибатида йўлакка сочилади ва улардан чиқадиган қўланса ҳид янада кучаяди.**

Бу йил ёзнинг айни чилла пайтидан бошлаб ушбу жойда яна бир ажабтовур ҳолат рўй берди – хусусий тадбиркорлардан бири ушбу чиқиндихона ёнида шарбатлар савдосини йўлга қўйди. Кўнгли тусаганлар чиқиндихона ёнида чанқоғини қондиришмоқда.

Хуллас, шунақа гаплар!

Бу ердан ҳар куни бир неча минглаб одамлар ўтадилар. Ушбу ҳолатни кўрадилар, лекин ҳеч ким бу хусусда "Ахир чиқиндихоналарни, ахлат тўпланадиган жойларни шаҳарнинг одамлар гавжум жойларига, болалар ўйингоҳларига яқин нуқталарга жойлаштириш уят-ку, санитария-тиббиёт қоидаларига зид-ку!" демайди. Гўё шундай бўлиши керакдек, бу ҳолатга эътиборсиз, лоқайд қарайдилар.

Эҳтимол, уларнинг лоқайдлигини, эътиборсизлигини тушунса бўлар. Лекин шу чиқиндихонани, ахлат тўпланадиган масканни шу ерга жойлаштирган Чилонзор туман ободонлаштириш бошқармасидагиларнинг бу борадаги фаолиятини, шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказининг бу ҳолатга эътиборсизлиги, лоқайдлигини қандай тушуниш мумкин?!

Ёки уларнинг ўзлари ушбу масканда ана шундай кўримсиз, ёқимсиз ҳолатнинг юзага келишига бош-қош бўлишаётганмиканлар?! Ахир минглаб одамлар, йўловчилар ўтадиган йўлакка чиқиндихона жойлаштириш, уни ифлос масканга айлантириш нафақат уят, инсофсизлик, фаросатсизлик-ку!

Биз юқорида ушбу ахлатхона ёнидан ҳар куни минглаб одамлар ўтиб қайтишини бир неча марта такрорладик. Бу бежизга эмас. Чунки ўша минглаб беэътибор, лоқайд юртдошларимизнинг орасида юзлаб хорижлик меҳмонлар ҳам бор. Улар пойтахтимизнинг қоқ марказидаги бу манзарани қандай баҳолашар экан?.. Мутасаддилар масаланинг шу томонини ҳам бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди, назаримда.

Умуман, бундай ҳолатдан, уятсизликдан уялайлик!

ҲАҚГЎЙ

Руҳият

АВВАЛО, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

☑ Сизни чарчатадиган ва заифдек ҳис қилдирадиган барча ўй-хаёллардан ўзингизни озод қилинг.

☑ Ўзингизни тўлиқ қабул қилинг; эсингизда бўлсин, сиз жуда муҳимсиз, атрофга боринғизча кераксиз.

☑ Айбдорлик ҳиссини қўйиб юборинг. Тушунинг, Сиз айбдор эмассиз. Бўлиши керак бўлган жараён содир бўлди халос.

☑ Қўрқувдан воз кечинг; биринчи кичик қадамни қўйинг ва олдингизда очилган янги йўлларнинг гувоҳи бўласиз.

☑ Ҳеч кимни бирор нарса учун айбламанг; Сиз ўз ҳаётингиз учун жавобгар бўлинг. Агар бирор нарса ёқмаса, Сизда танлов бор – буни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик!

☑ Ҳамманинг масъулиятини бўйнингизга олишни тўхтатинг!

Ўша масъулиятингиз ва ғамхўрлигингизни ўзингиздан бошланг. Чунки Сиз муҳимсиз!

☑ Атрофимда ҳамма мендан кўра бахтли, омадли деган фикрлардан воз кечинг!

☑ **ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЛАР БИЛАН ТАҚҚОСЛАМАНГ!** Сиздаги ҳолат Сиз учун энг яхшиси!

☑ Молиявий етишмовчиликка бўлган диққатингизни молиявий фаровонликка эришиш учун режалар тузишга қаратинг ва амалда қўлланг.

☑ Инсонларни ўзгартиришга уринманг. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти, йўли бор ва ўша йўли Сиз ўзгартиришга уринаётган йўлдан кўра мукаммал ва гўзалдир. Ўз устингизда ишланг.

☑ Кимдир Сизни эътироф этиши учун ёки кимгадир ёқиш учун қилаётган ҳаракатларингизни тўхтатинг!

ЎЗ ҲАЁТИНГИЗДА ЯШАНГ!

Тўпловчи Ж.РАЗЗОҚОВ

Жиноятга жазо муқаррар

ПЛАСТИК КАРТАНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!



Кейинги йилларда фуқароларнинг маблағлари пластик карталарда сақланиши улар учун катта қулайлик бўлди. Аммо айрим "ишбилармон" кимсалар, бу иш жиноят эканини билишса ҳам, ўзганинг банк пластик картаси рақамини аниқлаб, ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш йўлини топишмоқда.

Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Собиржон (исми ўзгартирилган) 2021 йил июнь ойидан Андижон темир йўл масофасида йўл созловчи бўлиб ишлаётган эди. У олдиндан "ҳожатбарор" йигит эканлиги туфайли иш фаолияти давомида ҳам ҳамкасбларига қўлидан келганича ёрдам берарди, ким кўмак сўраса, йўқ демасди.

2022 йилнинг март ойларида ҳамкасби Икром (исми ўзгартирилган) ундан ҳозирда анча авж олган мобиль илова орқали банклардан онлайн кредит олиш учун ёрдам беришини сўрайди, Собиржон "имкон қадар" ёрдам беришга ҳаракат қилади ва унинг "Redmi 11" русумли телефон аппарати орқали тегишли банкдан онлайн тарзда 10 миллион сўм кредит расмийлаштириб беради, Икром бу пулларни пластик картадан икки йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаши шарт эди ва банк томонидан бу пуллар автоматик равишда ечиб олинарди. Ўшанда Собиржон ҳамкасбининг мобиль иловасига кириш паролини ҳам ўрнатиб бериб, келгусида ўзининг асл мақсадини ичига тугиб қўйган эди.

2023 йилнинг сентябрь ойида Собиржонга пул зарур бўлиб қолади, пулни қаердан топиш ҳақида бош қотираётганида ҳамкасби Икромнинг уяли телефонига банкнинг мобиль иловасини ўрнатиб берганлиги эсига тушиб қолади. Шунда у ҳамкасбига билдирмасдан, унинг телефонидаги банк мобиль иловаси орқали кредит олиб, ўзига ўтказиб олишни, кейинчалик пулларни ўзи банкка тўлаб қўйишни режалаштиради.

Собиржон шу мақсадда Икром ишга келганда, ундан танишлари билан гаплашиб олиш учун телефонини бериб туришини сўрайди. Телефонни олгач, ҳамкасбининг ёнидан узоқроққа кетиб, яширин тарзда телефонда банк мобиль иловасига кирмоқчи бўлади, аммо кутилмаганда ўзи ўрнатган кириш паролининг нотўғри эканлиги тўғрисидаги хабарни олади. Қаловини топса, қор ёғар деганидек, Собиржон бу сафар ҳам ишни амаллайди, ўрнатилган илованинг паролини янгилаб, "2222" ёзувли паролни ўрнатади ва шу парол орқали иловага киришга муваффақ бўлади. Кейин эса банкдан Икромнинг номига 14 миллион 244 минг сўм миқдорида қўшимча кредит расмийлаштиради ва ҳамкасбининг ҳисоб рақамига тушириб олишга эришади.

Собиржон ўз ишини пухта бажариш мақсадида Икромнинг ҳисоб рақамига тушган пулларни тезлик билан бошқа картага ўтказиб олишни режалаштиради. Шу ниятда синфдошига телефон қилиб, унга пластик картасига Россия Федерациясидан танишлари пул жўнатмоқчи эканлигини, ўзининг пластик картасига пул туширса, банк томонидан кредитлари учун ечиб олинаётганлигини айтади. Синфдошининг розилигини олгач, унинг пластик картасига 14 миллион 244 минг сўм миқдордаги пул маблағини ўтказиб олади. Хамирдан қил суғургандек осонгина мақсадига етган Собиржон дарҳол уяли телефонини эгасига қайтариб беради, аммо қилган ишларини унга билдирмайди. Шу куннинг ўзидаёқ ишдан чиқиб, синфдошидан пластик картасини олиб, пулларнинг ҳаммасини нақд қилиб ечиб олади ва ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

Ҳамкасбининг қинғир ишларидан бехабар Икром пластик картасига тушган ойлик иш ҳақидан банк кредити учун ҳар доимгидан кўпроқ пул ечиб олинганлигидан ҳайрон бўлади. Масаланинг ечимини билиш учун банкка мурожаат қилади ва шундагина ўзининг мобиль иловаси орқали яна 14 миллион 244 минг сўм миқдордаги қўшимча кредит расмийлаштирилганлиги ва бу пуллар бошқа пластик картага ўтказиб юборилганлиги тўғрисида маълумот олади. Чорасиз қолган Икром ёрдам сўраб Ички ишлар органларига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Олиб борилган текширув ҳаракатлари натижасида Собиржоннинг қилмиши фош этилади.

Собиржон томонидан ўз ҳамкасбининг пул маблағини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганлиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "г" банди билан айб эълон қилинади ва эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинади.

Шу ўринда яна бир гап. Бугун текин даромад топиш иштиёқида юрган фақат Собиржон эмас, унга ўхшаганлар дастидан куйиб қолаётганлар анча. Улар-ку ўз жазосини олишади, аммо фуқароларимиз ҳам эҳтиётқорликни оширишлари лозим. Чунончи банк пластик карталардан фойдаланаётганларида бошқа шахсларга унинг серия рақамлари ва кодларини айтмасликлари, мобиль иловалардан бегона шахслар фойдаланишига йўл қўймасликлари керак. Зеро, ҳушёрлик жиноятнинг олдини олади.

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Бахром АБДУҲАЛИМОВ, Зухра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100

Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.